

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фаргона,
2021.**

М.Исамиддинов Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир	72
Б.Усмонов Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темурунослигида ўрганилиши	77
Лианг Юн, Н.Камбаров Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари	81
О.Пуговкина Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда “собик” империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги	90
А.Ўткиров Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили	98
С.Ҳакимова XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар	103
С.Анаркулов Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби хусусида.....	110

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Қобилова, Н.Турсунова Татаббулар силсиласи.....	118
П.Туропова Услуб жилолари ёхуд адиб маҳорати	123
Д.Ғуломов Ретроспектив сюжет хусусида айрим мулоҳазалар	128
М.Маҳмудова Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати.....	134

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева Тиббий эвфемизмларнинг социал хосланиши	138
Т.Эназаров, С.Ғаниева Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан	145
М.Мамажонов Антропонимларни дискурс релеванти сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари	150
Ж.Абдуллаев Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиёв талқинида	155
Д.Собирова Ўзбек болалар шеърояти морфопоэтикаси	160
Д.Шокирова, Ш.Шокиров Инглиз тилида “property-мулк” концепти тадқиқи.....	164
Н.Абдурахмонова Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи	169
А.Мусоева Self-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар.....	174

УДК: 821.512.133

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИ МОРФОПОЭТИКАСИ
МОРФОПОЭТИКА УЗБЕКСКОЙ ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ
MORPHOPOETICS OF UZBEK CHILDREN'S POETRY

Собирова Дилафруз¹¹Собирова Дилафруз– Андижон давлат университети,
мустақил тадқиқотчи.**Аннотация**

Мақолада ўзбек болалар шеъриятида морфологик воситалардан фойдаланиш болалар нутқининг бетакрор гўзаллиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, эмоционал-экспрессив жиҳатдан ўта бўёқдорлигини яққол юзага чиқаришда муҳим воситалардан бири эканлиги кўрсатиб берилган. Морфологик поэтизмларга мурожаат этилган шеърий асарлардан мисоллар келтирилган.

Аннотация

В статье показано, что использование морфологических средств в узбекской детской поэзии является одним из важнейших инструментов раскрытия неповторимой красоты детской речи, богатства эмоций, эмоциональности и выразительности. Приводятся примеры из поэтических произведений, относящихся к морфологической поэтике.

Annotation

The article shows that the use of morphological means in Uzbek children's poetry is one of the most important tools in revealing the unique beauty of children's speech, the richness of emotions, emotionality and expressiveness. Examples are given from poetic works that refer to morphological poetics.

Таянч сўз ва иборалар: морфологик воситалар, морфологик поэтизм, морфопоэтика, экспрессивлик-эмоционаллик.

Ключевые слова и выражения: морфологические средства, морфологический поэтизм, морфопоэтика, выразительность-эмоциональность.

Keys words and expressions: morphological means, morphological poetics, morphopoetics, expressiveness-emotionality.

Ҳар қандай табиий тилнинг пойдевори грамматика асосига қурилади. Бола гўдақлик чоғидаёқ ўзи билмаган ҳолда атрофидаги одамлар нутқидан она тили грамматикасини ўзлаштириб боради. Грамматикаси бўлмаган тил жонсиз танага ўхшайди. “Грамматикасиз, – деб ёзган эди М.В. Ломоносов, – нотиклик санъати – тўмтоқ, поэзия – гунг, фалсафа – асоссиз, тарих – тушунарсиз, ҳуқуқшунослик – шубҳали бўлиб қоларди” [2].

Ўзбек тилшунослигида “махсус сўз формалари воситасида, шунингдек, маълум бир грамматик маъно ва функцияга эга бўлган сўз формасини махсус қўллаш орқали экспрессивлик-эмоционалликнинг ифодаланиши” масаласи ўтган асрнинг ўрталаридаёқ тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортган эди [1,120]. А.Фуломов, Ш.Раҳматуллаев, Н.К.Дмитриев, Э.В.Севортян, А.Н.Кононов, Ф.Абдуллаев, К.Назаровларнинг илмий ишларида *-лар* кўплик қўшимчаси ҳамда эгалик аффиксларининг ҳурмат маъносини ифодалаш ҳақида қимматли фикр-

мулоҳазалар билдирилганди. 90-йиллардан бошлаб махсус сўз формалари ҳақидаги қарашлар янги сифат босқичига кўтарилди. Ҳ.Ҳожиева муаммога семантик майдон назарияси нуқтаи назаридан ёндашиб, ҳурмат маъносининг очилмаган қирраларини ёритишга уриниб кўрди [5].

Умуман олганда, “ҳурмат категорияси ижтимоий-лисоний (социолингвистик) ҳодиса бўлиб, лисоний-нутқий, семантик-грамматик ва услубий-интонацион жиҳатдан ўз ифодаланиш усуллари ва воситаларига, воқеланиш омиллари ва имкониятларига эга бўлган муҳим ва мураккаб, эътиборга лойиқ категориядир” [3,3].

Айниқса, унинг бадиий матнлардаги хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Унинг энг яхши намуналари болалар нутқида кузатилади. Болалар нутқи ўзининг бетакрор гўзаллиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, эмоционал-экспрессив жиҳатдан ўта бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат, айниқса, морфологик воситалардан фойдаланишда яққол юзага чиқади. Бундан

ТИЛШУНОСЛИК

яхши хабардор бўлган болалар шоирлари ўз асарларида морфологик поэтизмларга қайта-қайта муржаат этишган.

Мустақиллик даври ўзбек болалар шеърлятида қўлланган морфопоэтик воситалар хилма-хил ва бетакрордир. Биз диссертация ҳажмига кўра асосий эътиборни эркалалаш-кичрайтириш ва ҳурмат шакллари ифодаловчи воситаларга қаратдик. Улар асосан қуйидаги шаклларда учрайди:

1. *-бой, -вой* қўшимчаларини қўллаш.

– болалар исмига қўшиш: Бу орқали болаларга бўлган ҳурмат, уларни эркалатиш, баъзан кесатиш, киноя маънолари юзага чиқарилади ва шу орқали бадий таъсирчанликка эришилади. Масалан: Лапанглайди *Норимбой*, Уни деймиз *“Қоринбой”*. Мазкур шеърда *Норимбойга* нисбатан киноя маъноси яширинган.

– ёввойи ҳайвонлар номига қўшиш: Болалар шеърлятидаги поэтизмнинг энг ёрқин намуналари айнан *Айиқ*, *Тулки*, *Тўнғиз*, *Қуён*, *Фил*, *Қашқир*, *Илон* каби ҳайвон номларига *-вой, -бой* қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинган. Бу орқали ҳайвонларни болаларга яқинлаштириш, уларнинг дунёсига олиб кириш, болаларда ҳайвонларга нисбатан меҳр туйғуларини уйғотиш мақсад қилиб олинган. Маълумки, болаларда кичик ёшидаёқ кўрган мультфильмлари, ўқиган китоблари, эшитганлари асосида бўрининг йиртқичлиги, тулкининг айёрлиги, айиқнинг қўрқинчли эканлиги, қуённинг беозорлиги каби тушунчалар шаклланиб қолади. *-вой, -бой* қўшимчаларини қўшиш орқали болаларнинг ҳайвонлар тўғрисидаги фикрларини ижобий томонга ўзгартириш ва ҳайвонларнинг ҳаёт тарзини реаллаштириш мумкин.

Масалан: Асал ейди *Айиқвой*, Арилардан ҳайиқмай. (У.Абдуазимова. *“Айиқ”*, 30-бет) *Айиқвойнинг* ёқасини бўғиб олди, *Тулкивойнинг* юзига боплаб солди. (Ма’мур Qahhor. *“Toshbaqa – chempion”*, 47-бет)

Баъзан ҳайвонлар ўз номида эмас, иккиламчи номда кичрайтириш, эркалалаш қўшимчалари билан бирга аталади. Бундай вазиятларда эмоционал-экспрессивлик, таъсирчанлик бир неча бор орттирилади. Масалан, қуён ҳақидаги шеърдан: *“Ҳой, миттивой*, барини ўзинг ема, Сўнгра *“қорним, вой қорним”*, менга дема”. (Ш.Салимова. *“Ҳайвонот оламига саёҳат”*, 47-бетлар).

– уй ҳайвонлари номига қўшиш: Қишлоқ жойларда аксарият оилаларда болалар сигир, қўй, эчки, от, ит, мушук каби уй ҳайвонларини кўриб, уларнинг ёнида улғаяди. Маълумки, болалар кичик ёшида мушукча, кучукча,

қўзичоқ, улоқча ва шу каби уй ҳайвонларига ишқибоз бўлади, улар билан бирга ўйнайди. Бундан яхши хабардор бўлган болалар шоирлари ўз шеърларига *Бароқвой*, *Даканбой*, *Хўрозбой*, *Эчкивой* каби образларни олиб киришганки, бу, болалар шеърлятига ўзига хос ранг, жило берган.

Масалан: *“Ҳой Бароқвой, Бароқвой, Тур ўрнингдан, тура қол. Мана сенга сут, ширмой, Маза қилиб ея қол”*. (Х.Шомуродов. *“Уйқучи мушук”*);

– майда жониворлар, ҳашаротлар номига қўшиш: Болалар шоирлари ўз шеърларида *Каламушвой*, *Ниначивой*, *Пашшавой*, *Сичқонбой*, *Чумолиной*, *Қўнғизвой* каби номларни қўллаб, бадий таъсирчанликнинг янгидан-янги усулларини ўйлаб топганлар. Масалан: – *Хайрият,– деб Сичқонбой*, *Иягига қўл тираб. Инсоф тилаб мушукча, Нон кемириб ўтирар...*” (Т.Аdashboyev. *“Osmondagi darvoza”*, 61, 71-бетлар)

Ижодкорлар поэтизмни кучайтириш мақсадида баъзи бир шеърларида ижобий ёки салбий бўёққа эга бўлган сўздан кейин *-вой* қўшимчасини келтирадilar. Бундай ўринларда *-вой* қўшимчаси маънони бўрттириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. Масалан: *“Тизза бўйи кечиб лой, Уйга кирди Иркитвой”*. (Кавсар Турдиева. *“Сайланма”*, 290-бет)

*“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”*да ирkit сўзига *“киши ирганадиган даражада кир, ифлос”* деб таъриф берилган [4,225]. Кўринадики, ўқувчи ирkit нарсадан ирганиши керак, аммо у шеърда чумолига нисбатан қўллангани ва *-вой* қўшимчаси билан бирга келаётгани учун чумолини бир қадар ўқувчига яқинлаштирмоқда.

– қушлар номига қўшиш: Болаларга аталган шеърларда *Читтаквой*, *Чумчуқвой*, *Қарғавой* шаклидаги лексемаларга ҳам кўп дуч келинади. Масалан: Тўқир эди сават уй, *Читтаквойнинг* холаси. *“Бу нима?”* – деб сўради, Ундан Филнинг боласи. (Anvar Obidjon. *“Kichkintoylar qivonchi”*, 141-бет)

– жонсиз нарсалар ва ҳодисалар номига қўшиш: *-вой* қўшимчасини *Обдаставой*, *Чойнаквой*, *Ёмғирвой* кўринишида жонсиз нарсаларга қўшилиши матндан кўзланган мақсадни жонли, таъсирчан бўлиб юзага чиқишини таъминлайди. Чунки болалар мавҳум нарсаларга нисбатан аниқ, ҳаётий, кўз билан кўрадиган нарса ва воқеаларга тез кўникадилар. Масалан: *Ёмғирвой* бўлса яна, Очайин деб рангини, Бир кун томни ювди-ю,

Чиқарворди зангини. (Abdurahmon Akbar. "Uyquchining tushlari, 16-bet)

2. -бек қўшимчалари орқали. Тўп ўйнасақ *Мадамминбек*, Чақиб турар бодомин тек. (Anvar Obidjon. "Kichkintoylar quvonchi", 236-bet)

3. -ой қўшимчалари орқали. Ҳайвонларга бағишланган шеърларда *Зебраой, Товусой, Симбавой, Тулкиой, Эчкиой; Кўкламой* каби лексемалардан фойдаланиш асарга ўзгача рух, поэтизм олиб киради. Бола хаёлида қизлар кийимини кийган, товланиб турган ҳайвонлар образи гавдаланади. Масалан: *Тулкиой*лар таманно бирла ўтар, *Бўривой*лар энсаси қотиб кетар; *Тулки* билан *Типратикан* келди иноқ, *Товусой*нинг сўзларига тутиб кулоқ; *Ҳой Тулкиой*, *Лайлакни Қилаверма* кўп меҳмон. (Ш.Салимова. "Ҳайвонот оламига саёҳат", 10-, 22 бетлар)

Баъзи бир ҳолларда нарсалар номига -ой қўшимчасини қўшиш учрайди. Масалан: Болалар учун ҳар ой, Чиқар журнал "*Фунча*"ой. (Кавсар Турдиева "Сайланма", 208-бет)

4. -жон,- хон қўшимчалари орқали. Болаларни эркалатиш, овунтириш, юпатиш, яхши гапириш, ҳурмат маъносида уларнинг исмига -жон, -хон қўшимчалари қўшиб айтилади. Болалар шеърларида ҳайвонлар, ҳашаротлар, жонсиз нарсаларни *Миёвжон, Миуовхон, Ёғочқуртжон, Лайлакжон, Ниначижон, Мушукжон, Жирафахон, Чилопчинхон* тарзида қўллаш бадиий асарларнинг халқоналигини, соддалигини таъминлайди, воқеликни болалар ҳаётига яқинлаштиради. Масалан, таниқли болалар шоири Анвар Обиджон "Ростгўйлик" шеърида -хон ва -жон қўшимчаларидан маҳорат билан фойдаланган. "Сарғиш мушук беканинг, Бордир икки фарзанди. Бири – жуда эрка қиз, Бири – ўғилдир, танти. Исмлари жа ўхшаш: *Миёвхон* ва *Миёвжон. Миёвхони* – сал нозик, *Миёвжони* – паҳлавон" (Anvar Obidjon. "Kichkintoylar quvonchi", 138-bet)

-жон ва -хон қўшимчаларининг болалар шеъриятида қўлланишини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

– инсонлар исмига қўшиш: *Фарҳоджон* бош қотирар. Сўзлаб бера олмади Шаршаралар ҳақида. (Кавсар Турдиева. "Сайланма", 131-бет)

– ёввойи ҳайвонлар номига қўшиш: *Сакраб* ўйнади *Қоплон*, *Унга* қўшнидир *Шерхон*. (Кавсар Турдиева. "Сайланма", 268-бет)

– қушлар номига қўшиш: *Калхат* айтар: – *Пўпишакхон*, *Бугун* жуда пўримсиз! (Т. Adashboyev. "Osmondagi darvoza", 75-betlar)

– ҳашаротлар номига қўшиш: *Хонқизижон*, *хонқизи*, *Она қизи*, *жон қизи*. (Кавсар Турдиева. "Сайланма", 270-бет);

– жонсиз нарсалар номига қўшиш: *Чилопчинхон* иккимиз, *Апоқ-чапоқ* юрибмиз, *Кўрсам*, турар *Чойнаквой*, *Бурни* десанг осмонда, *Обдаставой* айтгандек, *Дунё* ўзи тескари. (Anvar Obidjon. "G'alati maktublar", 8-bet);

– табиат ҳодисалари номига қўшиш: *Эй, иссиқжон, иссиқжон*, *Учмоқдасан*, қай томон? (Кавсар Турдиева. "Сайланма", 228-бет)

5. -ниса қўшимчаси орқали. Ижодкорлар ҳайвонлар номига -ниса қўшимчасини қўшиш орқали уларга хос бўлган белгиларни бир неча бор орттириб кўрсатишга эришганлар. Масалан, *Бўриниса, Тулкиниса* каби. Бу орқали уларга хос бўлган айёрлик, маккорлик хусусиятлари кўрсатиб берилган. Масалан: *Тулкиниса. Ўзим* ойдек, *Қошим* қалам. *Миннатдорман думимдан ҳам*" (Ш.Салимова. "Ҳайвонот оламига саёҳат", 34-бет)

6. -чоқ қўшимчаси орқали. -чоқ қўшимчаси эркалатиш маъносини англатади ва аксарият ўринларда *тойчоқ, кўзичоқ* каби шаклларда кичкина ёшдаги болаларга нисбатан ишлатилади. Бундай ҳолатлар болалар шеъриятида кўп учрайди. Масалан: *Дарс* бўйи *кўзичоғим*, *Ўтирдингми шундоқ жим*. (Ma'mur Qahhor. "Savol-javob", 40-bet)

7. -той қўшимчаси орқали. Митти-миттивоймиз, *Эрка-эркатоймиз*. (Кавсар Турдиева. "Сайланма", 396-бет)

8. -кай қўшимчаси орқали. *Сенга ҳам бағрим очай*, *Кел* елкамга мин *болакай*. (Ш.Салимова. "Ҳайвонот оламига саёҳат", 17-бет)

9. -ча қўшимчаси орқали. Болалар шеъриятининг ажойиб намуналари ҳайвонлар, ҳашаротлар, нарса ва ҳодисалар номига -ча қўшимчасини қўшиш билан юзага келтирилган. Ижодкорлар болалар дунёсига *айиқча, кийиқча, маймунча, мушукча, тулкича, чумчуқча, ўрдакча, қуёнча* образларини олиб киришга ва бу орқали бадиий таъсирчанликни таъминлашга эришганлар. -ча қўшимчасини ёввойи ҳайвонлар номига қўшиш, уй ҳайвонлари номига қўшиш, нарса ва ҳодисалар номига қўшиш, жонсиз нарсалар номига қўшиш ҳолатларини учратишимиз мумкин. Масалан: *Қуёнчалар* сакраб-сакраб чопаетир, олмахонлар кумуш ёнғоқ отаетир. (Ш.Салимова. "Ҳайвонот оламига саёҳат", 32-бет); *Ириллайди* *Олапар*, *ириллайди, Мушукчанинг* юраги *зириллайди*; *Бола* тиниб-тинчимас, *тонгда* туриб, *Майдончага* йўл олар

ТИЛШУНОСЛИК

зир югуриб. (Ш.Салимова. “Ҳайвонот оламига саёҳат”, 28-, 53-бетлар)

10. *-гина, -кина, -қина* қўшимчалари орқали. Мазкур қўшимчалар *болагинам, жажжигина, миттигина, юмшоққина, қутлигина, секингина* каби лексемаларда қўлланиб, воқеа ва ҳодисаларни кучайтириш, таъкидлаш, бўрттириш маъноларини юзага чиқариш учун хизмат қилган. Мазкур қўшимчалар билан келган лексик бирликлар куйидаги гуруҳларга ажралади:

– болаларга нисбатан ишлатиш: Гар еб қўйсанг *юзгинанг* бўлар шувут, Опанг билан акангни ёдингда тут. (Ш.Салимова. “Ҳайвонот оламига саёҳат”, 47-бет)

Болалар шоирлар ушбу қўшимчалардан фойдаланиб, бетакрор поэтик тасвирларни яратганлар. Масалан, Анвар Обиджон “Писмиқ” шеърида *-гина* қўшимчасидан воқеликни кучайтириш ва таъкидлаш мақсадида фойдаланган. Маҳмуд боқиб

колбасага, Тушиб қолди талвасага. Бўлса ҳам у *латтагина*, Тишлаб қочди *каттагина*. (Anvar Obidjon. “Kichkintoylar quvonchi”, 248-bet)

– ҳайвонларга нисбатан ишлатиш: *Жажжигина* мушукча уйга келди, Уни суйиб болалар “Симба” деди. (Ш.Салимова. “Ҳайвонот оламига саёҳат”, 52-бет);

– нарсаларга, воқеа ва ҳодисаларга, вақтга нисбатан ишлатиш: Қадами *қутлигинам*, Ризқ-рўзи *бутлигинам*. (Ш.Салимова. “Ҳайвонот оламига саёҳат”, 54-бет)

Умуман олганда, эркалаш-кичрайтириш ва ҳурмат маъносини англатувчи морфологик шакллардан унумли фойдаланиш болалар шеъриятини ҳар жиҳатдан тўлақонли бўлишини таъминлаган, воқеа-ҳодисаларнинг ҳаётий чиқишига кўмаклашган, тасвирларнинг эмоционал-экспрессив жиҳатдан таъсирчан чиқишига ёрдамлашган.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1985.
2. Ломоносов М.В. Русская грамматика. Предисловие // ruthtnia.ru
3. Содиқова Ш. Ўзбек тилида ҳурмат категорияси. – Т., 2010.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, 2-жилд. – Т.: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2006.
5. Ҳожиёва Ҳ. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фанлари номз. ... дисс. – Самарқанд, 2001. 130- б.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)